

ДАВЛАТ ҲУДУДЛАР КАДАСТРИНИ ЙОРИТИШ ЖАРАЁНИДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдураҳимова М.О., Шамшиддинов М.Ф. – магистрантлар, ТИҚХММИ

Аннотация

Мақолада давлат кадастрини юритиш жараёнида геоахборот тизимларидан фойдаланишнинг аҳамияти хусусида таҳлиллар кўриб чиқилган ва уларни тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

Географик маълумотлар аниқланиши керак бўлган деярли барча соҳаларда жумладан фуқаро муҳандислиги, қишлоқ ва шаҳарсозликда, йўллар ва темир йўллар қурилишида, атроф-муҳит ўзгаришини кузатишида, ер менежменти, кончилик, табиий ресурсларни бошқариш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ГАТ (Геоахборот тизимлари) нинг ҳиссаси бекиёсdir. ГАТ барқарор ривожланишда муаммоларни ҳал этишда муҳим қурол саналади, чунки у мутахассисларга маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш имкониятини беради.

Давлат кадастрлари маълумотлари асосида географик ахборот тизими қатламлари яратилади. “Ҳудудларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида” ги низомнинг йигирма олтинчи бандига кўра, ҳудудларнинг давлат кадастрини тузиш қўйидаги иккита асосий босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқич:

- ❖ ҳудудлар давлат кадастрини тузиш концепциясини ва мақсадли давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;
- ❖ ҳудудлар давлат кадастри ахборот тизимининг маълумотлар базасига базавий ахборот тарикасида киритилиши назарда тутиладиган материаллар ва маълумотларни уни юритишнинг тегишли даражаларида тўплаш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш ишлари;
- ❖ ҳудудларнинг давлат кадастри ахборот тизими ва геопорталларининг техник комплексларини уни юритишнинг барча даражаларида харид қилиш ва ўрнатиш;
- ❖ ҳудудлар давлат кадастри маълумотларининг кадастр ҳисобга олиниши ва алмашуви учун мўлжалланган бирхиллаштирилган электрон ҳужжатлар айланиши тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;
- ❖ ҳудудлар давлат кадастри геоахборот тизимлари ва геопорталларининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, зарур ҳолларда харид қилиш ҳамда ўрнатиш;
- ❖ ҳудудларнинг давлат кадастри геоахборот тизимлари ва геопорталларидан тажриба тарикасида фойдаланиш;
- ❖ "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси марказий аппаратининг тегишли бўлинмалари, Геодезия ва картография миллий маркази, ҳудудий ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг, ҳудудлар давлат кадастрини тузиш ва юритиш бўйича бошқа базавий субъектларнинг фаолиятини ташкил қилиш.

Иккинчи босқич:

- ❖ ҳудудлар давлат кадастри базавий субъектларининг тақсимланган маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашувининг коммуникация каналларини ўрнатиш;
- ❖ ахборотни муҳофаза қилишни ва ҳудудларнинг давлат кадастри ахборот ресурсларидан фойдаланиш тизимини ташкил қилиш;
- ❖ ҳудудларнинг давлат кадастри геоахборот тизимлари маълумотлар базаларига маълумотларни мунтазам киритиб бориш ва долзарблаштириш ишларини уни юритишнинг барча даражаларида ташкил қилиш;

- ❖ фойдаланувчиларнинг сўровлари бўйича кадастр ҳужжатларини, маълумотномалар ва бошқа ахборотни, шу жумладан интерактив давлат хизматлари шаклида шакллантириш ва бериш ишларини ташкил қилиш;
- ❖ худудларнинг давлат кадастри геоахборот тизимлари ва геопорталларидан саноат йўсинида фойдаланиш;
- ❖ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни худудларнинг давлат кадастри ахборотлари билан мунтазам (доимий) таъминлаш [1].

Маълумки, Давлат худудлар кадастри ДКЯТ нинг таркибий қисми ҳисобланади ва у давлат кадастри юритиладиган табиий, хўжалик обьекти ёки бошқа обьект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладаган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. ДКЯТ Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим табиий-иктисодий салоҳиятининг ягона умумдавлат ҳисоб-китоби юритилишини, баҳоланишини таъминлашга мўлжалланган кўп мақсадли ахборот ахборот тизими тарзида яратилади [2].

Мамлакатимизда давлат кадастрлари маълумотлари асосида географик ахборот тизими қатламлари яратилмоқда. Бундай ахборотлар базаси вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий ҳокимият, олиқ органлари юридик ва жисмоний шахслар учун зарурий маълумотларни олишга хизмат қиласи. Ҳозирда Давлат солиқ қўмитаси билан онлайн режимда маълумотлар алмашиш йўлга кўйилган.

“Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси маълумотлар базасини юритувчи масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда давлат обьектларини йўқлама қилиш, уларнинг геоахборот базасини шакллантириш, ArcGIS дастурида 1:2000, 1:10000 ва 1:25000 масштаблардаги рақамли карталарни яратиш ҳамда уларнинг шартли белгиларини ишлаб чиқиши ва фойдаланиш борасида ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Эндиликда Давлат кадастри ягона тизими ахборот базаси яратилмоқда.

Хулоса

Шуни таъкидлаш мумкинки, давлат худудлар кадастрлари соҳасида геоахборот тизишларидан фойдаланиш қўйидаги муаммоларни бартараф этишга замин яратади:

- ❖ геоахборот тизимлари ёрдамида Ер ва кўчмас мулк менежментида компьютерга асосланган рўйхатга олиш тизимини яратиш имконияти мавжуд. Шунинг учун ГАТ ни ишлатилиши ер ва мулкларнинг аниқлиги ва ишонччилигини таъминлайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ерларни рўйхатга олиш тизими ГАТ технологияларини ишлатмасдан кўлда бажарилади, бунинг сабаби электрон хариталар ва ГАТ ни ишлата олиш қобилиятлари этишмаслигидандир.
- ❖ ер ресурсларини нотўғри ишлатилиши натижасида Ўзбекистонда ер деградацияси каби муаммолар юзага келмоқда. Геоахборот тизимлари атроф муҳит муҳофазасида катта рол ўйнайди, Геоахборот тизимлари ёрдамида ер эррозияси харитаси, ер шўрланиши хариталарини шакллантириш мумкин.
- ❖ Ўзбекистон қишлоқ ва шаҳарларида аҳоли ўсиши жуда тез суратда шунинг учун, келгусида бажарилиши керак бўлган ишларга илмий ва сиёсий жиҳатдан ёндашиш муҳим рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ҳудудларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМ, 231-сонли Вазирлар Махкамаси қарори. 2014 йил 14 август
2. Болтаев Т.Х., Раҳмонов Қ.Р. Геоахборот тизимининг илмий асослари. Т., ТИМИ, 2015.